

ОҚ ЧАРМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ХРОМ ТЕЖАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ

маг. А.О.Хомиджанов, маг. А.М. Тиллаев,
т.ф.н., доц. Х.Х. Бегалиев

Ушбу мақоланинг асосий мазмуни ошловчи хром тузларини чарм ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларидаги сарфини камайтиришга ва шу билан бирга долзарб бўлган оқ ва ёрқин тусли чарм асортиментларини кенгайтирилишига қаратилган.

Основное содержание этой статья посвящено на сокращение расходов дубящих солей хром в процессах выделки кож и параллельно с этим получить довыстребованных белых и светлых тонов кожи.

The main content of this article is devoted to reducing the costs of oak barbs Cr^{3+} in the processes of extracting conics in parallel with the dominance of white and light-colored leather tones.

Хозирги кунда, халқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари қаторида чарм ва мўйна ишлаб чиқариш ҳам жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига кўра ”Ўзбекчарм поябзал” уюшмаси олдига кўпгина вазифалар белгилаган [1]. Бу вазифалардан бир-тери хом ашёсини чуқур қайта ишлаш негизида ташқи бозорларда талаб қилинадиган тайёр чарм турларини ишлаб чиқариб, мамлакатимиз экспорт салохиятини янада юксалтириш вазифасидир.

2018 йил ”Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларини қўлаб қувватлаш” йили деб аталиши ҳам халқ хўжалигининг турли соҳалар қаторида чарм ва мўйна ишлаб чиқаришда илмий тадқиқотчилар олдига катта вазифалар юклайди. Хозирда ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берувчи чарм маҳсулотларини технологиясини ишлаб чиқиш шу билан бирга ошловчи Cr^{3+} тузлари сарфини камайтириш билан таркибида хром элементлари бўлган саноат оқава сув ва чиқиндиларини камайтириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади [2].

Кўпгина чарм ишлаб чиқариш саноати ривожланган давлатларда (Италия, Германия, Россия, Туркия ва бошқа давлатларда) чармни ошлаш, бўяшдан олдинги қайта ошлаш ва тўлдириш жараёнларида таркибида синтетик полимерлар бўлган композициялар ишлатилади. Ушбу композициялар билан чармга ишлов берилганда чармни емирилишга чидамлилиги, сувни ўзидан қайтарувчанлиги (гидрофоблиги) топографик қисмлари (масалан йирик шохли мол терилари ва чепрак ва чекка этак қисимлари) бўйлаб бир хил хоссага эга бўлишлиги, кимёвий реагентлар ва микроорганизмлар таъсирига чидамлилиги юқори бўлиши кузатилади.

Сувда эрувчан полимер композициялар, ошлаш ва қайта ошлаш жараёнларида, теридидаги асосий оксилардан бўлган коллаген оксил толалари ва композицияда иштирок этувчи синтетик ошловчи моддалар билан ўзаро кимёвий боғлар ҳосил қиладилар [3,4].

Бунинг натижасида юқорида келтириб ўтканимиздек, чармнинг физик-механик ва кимёвий хоссалари янада яхшиланади

Мақолада, чарм ишлаб чиқариш технологияси бўйича олиб борилган амалий тадқиқотлар натижалари келтирилиб, ушбу тадқиқотлар ”Осиё-Чарм Файз” корхонасида ўтказилди. Жараёнларни олиб бориш тартиби куйдаги 1-жадвалда келтирилган.

Қўй териларидан оқ рангдаги астарлик чарм олишда технологик жараёнларни олиб бориш тартиби

1-жадвал

	Кимёвий модда ва жараён номлари	С.к	Тем-ра, $^{\circ}C$	Микдор, %	Вақт, мин	Иззоҳ

1	Ювиш СН-20 Чумоли к-та	2	40	2 0.2	30 30	Тўкилади
2	Чайиш	2	40		10	Тўкилади
3	Қайта ошлаш Экомин-5 Евросинтан Д Натрий бикорбанат	1.5	35	3 2 1	180 60 60	рН=3,8-4,0 тўкиш
4	Нейтрализация Натрий формиат Натрий бикорбанат	1.5	35	2 2	10 60	рН=6,0-6,5 тўкиш
5	Тўлдириш Евросинтан РСН-40В Экомин-5 Евросинтан НК Евросинтан-Д	1	35	2 2 2 2	30 30 30 30	Тўкиш
6	Ёғлаш СМХ-476 СМХ-470(люкс) СМХ-64 Экомин-5 Чумоли к-та	1.5	55	1 1 1 1 1,5	120 30 30	рН=3,5-4,0 Тўкиш
7	Чайиш	3	20	-	15	Тўкиш

Кимёвий моддаларнинг қисқача характеристикаси

2-жадвал

№	Кимёвий моддалар номи	Кимёвий моддалар таркиби
1	СН-20	Ювиш воситаси (САМ)
		Тўлдирувчилар ва ошловчи моддалар
2	Экомин-5	Сульфон кислоталарнинг конденсация маҳсулотлари
3	Евросинтан РСН-40В	Поли акрилат дисперсияси
4	Евросинтан НК	Мочевина-меламин композицияси
5	Евросинтан-Д	Дициандиамид композицияси
		Ёғлар
6	СМХ-476	Синтетик ва ўсимлик ёғлар аралашмасидан иборат комбинация ёғи
7	СМХ-470	Синтетик ёғ
8	СМХ-64	Хидсизлантирилган балиғ ёғи

Чайиш жараёнидан (1-жадвал,7-пункт) кейинги “қуритиш” ва пардозлаш жараён ва операциялари қабул қилинган методика бўйича амалга оширилади[5.6].

Технологик жараёнларни ўтказишда Россиядан келтирилган, Шебекина Индустириал кимё-компанияси кимёвий синтетик ошловчи ва тўлдирувчи моддалари қўлланилди [7] ушбу моддаларнинг қисқача характеристикаси 2-жадвалда келтирилган.

Юқорида келтирилган технология бўйича ошланган чарм намуналари ўзининг гигиеник, физик-кимёвий хусусиятлари ва оргоналептик кўринишига кўра амалдаги талабларга жавоб беришини кўрсатди.

Ошланган чарм ярим тайёр маҳсулотидан (ветблюдан) оқ чарм олишда, Cr^{3+} ошловчи тузлари қўланилмаган ҳолда хром тежаш технологияси амалга оширилди. Шу билан бирга кўпгина хром билан боғлиқ экологик муаммолар ечилиб, бунда оқава сувларда ва ишлаб чиқариш чиқиндиларда Cr^{3+} брикмалари камаяди

Қўй териларидан олинган оқ чарм намуналари болаллар ортопедик пойафзаллари учун астарлик чарм сифатида ишлатилиши ва хорижга оқ краст холида эксперт қилиниши мумкин бўлади.

Адабиётлар

1. 2016-2020 йилларда чарм-пойафзал саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужатлари тўплами, 2017й, 2-сон, 29-модда, 22-сон, 419-модда.
2. В.Н.Ахмедов, Т.Ж.Қодиров, А.Ю.Тошев, У.О.Худанов. Экологические аспекты технологических процессов производства кож. Журнал, «Химическая технология. Контроль и управление» Ташкент. 2007. №3.-С. 7-11
3. Химия и технология кожи и меха. Учебник для вузов. 4-е изд. И доп / И.П.Страхов и др./- М.: Легпромбытиздат, 1985,496с
4. М.Темирова, Т.Қодиров. Чарм ва мўйна технологияси. Ўқув қўлланма. Т «Турон-Иқбол» нашриёти, 2005, 256-Б.
5. Н.А.Балберова Справочник кожевника. (Технология). М.: «Легпромбытиздат», 1986, С. 217-218
6. Справочник кожевника (Отделка. Контроль производства). Под. Ред. Н.А.Балберовой.- М.:Легпромбытиздат,1987. С. 256
7. WWW.Shebkoghim.ru;e-mail: technologshkh@mail.ru.